



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 7 май 1974 йил, сешанба № 106 (15.886). ♦ Баҳоси 2 тийин.

ЎЛЖАМИЗДА БАҲОР ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ



ТОШКЕНТ. 1974 йил 6 май. Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган совет адабиёти кунлари нинг таътанали очилиши. Р. Шамсутдинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ АДАБИЁТИ КУНЛАРИНИНГ ТАЪТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Йилнинг чор атроф гуллаб-яшилган фасли — баҳорнинг май ойида тинчлик ва меҳнат халқро байрами кетидан Ўзбекистонга жанрандор, кўп тилларда янғорчи, таъна-али ва қувончи адабиёт байрами келиши анъана бўлиб келган. Бу байрам мавж уриб турган бепоён денгиз каби Москвада туғилган достонларни, Волга ва Ангара соҳаларида туғилган қўшиқларни, Кавказ чўққиларида шопларни илҳом олиб битган назмий сатрларни ўзига қамраб олади. Қардон республикаларининг вакиллари ҳар тарафдан Ўзбекистонга етиб келадилар, ана шунда бошланадиган Совет адабиёти кунлари бутун кўп миллатли Ватанимиз ёзувчилари ва шoirлари, драматурглари ва танқидчилари бир йил мобайлида — баҳордан-баҳоргача босиб ўтган йўлни яқунлайдилар, бу ҳақда китобхонларга ҳисоб берадилар.

Союз правленисининг секретари, «Экспресс» журналининг бош редактору, СССР Давлат мукофотининг лауреати ва ишчилар синфи тўғрисидаги энг яхши асар учун ўтказилган адабий конкурс биринчи мукофотининг лауреати В. М. Кожеников бошчилик қилмоқда. Байрам 6 май кўни Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида ўтказилган кеча билан бошланади.

Совет адабиётининг бу сафарги байрами Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги арафасида ўтказилмоқда. Қилинган ишларнинг улғуворлигини шу шонли маррада кўришлар жуда яхши ва чуқур асос этгириб турибди, деди республика ёзувчилар союзи правленисининг раиси К. Яшин кечани очиб вақтида сўзлаган нутқида.

«Совет адабиёти ва санъати арбоблари, — деди Леонид Ильич, — Ватанга меҳнат муҳаббат, ўз халқига садоқат билан йўриган талантларини бундан бундан янги асарлар яратишга сарфлаб беришларига ишонимиз. Бу асарлар Совет ва жаҳон адабиёти ва санъатининг энг яхши дурдоналари қаторидан жой олади». КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг бу сўзлари адабиёт фронтининг ҳамма жағдчиларига, ўз ақ-идроқи, истеъдоди, меҳнатини тинчлик учун, ер юзи халқларининг бахт-саодатини учун курашиш ижодкор совет халқини таранум этишга сарфлаётган ҳамма кишиларга бевосита талалдуқлидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати С. П. Бородин миёнбағча қилди.

Баҳор билан шеърят — яна ёнмаён, яна Ўзбекистон меҳнат аҳлига янги-янги қувончи учрашувлар бахш этишга ҳозир-ҳозир. Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Озарбайжон, Молдавия, Тожикистон, Арманистон, Туркменистон, Эстония, Қозоғистон, Грузия, Қирғизистон қалам соҳиблари совет адабиётининг бу сафарги байрамга келидилар. Қардон республикалар адибларининг делегациясига таъин қилинган совет ёзувчиси, СССР Ёзувчилар

Союз правленисининг секретари, «Экспресс» журналининг бош редактору, СССР Давлат мукофотининг лауреати ва ишчилар синфи тўғрисидаги энг яхши асар учун ўтказилган адабий конкурс биринчи мукофотининг лауреати В. М. Кожеников бошчилик қилмоқда. Байрам 6 май кўни Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида ўтказилган кеча билан бошланади.

Совет адабиётининг бу сафарги байрами Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги арафасида ўтказилмоқда. Қилинган ишларнинг улғуворлигини шу шонли маррада кўришлар жуда яхши ва чуқур асос этгириб турибди, деди республика ёзувчилар союзи правленисининг раиси К. Яшин кечани очиб вақтида сўзлаган нутқида.

«Совет адабиёти ва санъати арбоблари, — деди Леонид Ильич, — Ватанга меҳнат муҳаббат, ўз халқига садоқат билан йўриган талантларини бундан бундан янги асарлар яратишга сарфлаб беришларига ишонимиз. Бу асарлар Совет ва жаҳон адабиёти ва санъатининг энг яхши дурдоналари қаторидан жой олади». КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг бу сўзлари адабиёт фронтининг ҳамма жағдчиларига, ўз ақ-идроқи, истеъдоди, меҳнатини тинчлик учун, ер юзи халқларининг бахт-саодатини учун курашиш ижодкор совет халқини таранум этишга сарфлаётган ҳамма кишиларга бевосита талалдуқлидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати С. П. Бородин миёнбағча қилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

Республикада ўтказилган совет адабиёти кунлари катта шайхона 6 майда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде қабул қилинди. КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов шу беш йиллик мобайлида республика эришган муваффақиятлар тўғрисида, республика меҳнатчи-

лари олдига турган янги марралар ҳақида меҳмонларга гапириб берди.

Сўзбетада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева иштирок этидилар. (ЎзТАГ).

«Совет адабиёти ва санъати арбоблари, — деди Леонид Ильич, — Ватанга меҳнат муҳаббат, ўз халқига садоқат билан йўриган талантларини бундан бундан янги асарлар яратишга сарфлаб беришларига ишонимиз. Бу асарлар Совет ва жаҳон адабиёти ва санъатининг энг яхши дурдоналари қаторидан жой олади». КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг бу сўзлари адабиёт фронтининг ҳамма жағдчиларига, ўз ақ-идроқи, истеъдоди, меҳнатини тинчлик учун, ер юзи халқларининг бахт-саодатини учун курашиш ижодкор совет халқини таранум этишга сарфлаётган ҳамма кишиларга бевосита талалдуқлидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати С. П. Бородин миёнбағча қилди.

ХАЛҚНИНГ МУНОСИБ ВАКИЛЛАРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНА БОШЛАНДИ

Округ сайлов комиссиялари 5 майда СССР Олий Советининг Иттифок Совети ва Миллатлар Совети депутатлигига қўрсатилган номзодларни рўйхатга олишга киришдилар. Бу билан сайлов кампаниясининг янги босқичи бошланди. Москва, Ленинград, Олмаотада ва бошқа шаҳарларда мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига қўрсатилган биринчи номзодлар сийёсий активлик ҳақда ўтган тантанали бир вазилик рўйхатга олинди.

СССР Олий Советининг Иттифок Советига сайлов ўтказувчи Москва шаҳар Бауман сайлов округига кирган поймахтадаги Бауман ва Сокольников районларининг меҳнатчилари округ сайлов комиссияларига йўланган ва матбуотда эълон қилинган очик ҳатда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Л. И. Брежнев шу сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига овозга қў-

йилиш учун розилик берганлигини билди, гоят хурсанд бўдилар. 5 майда шу районлардаги қорхоналар ва муассасаларда кўп кишининг иштироки билан митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар бу митинг ва йиғилишларда ўрток Л. И. Брежневга салбий ташаккур ва миннатдорчилик изҳор қилдилар. Улар ўз нутқларида Коммунистик партия, унинг ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети ва Марказий Комитет Сийёсий бюросининг ички ҳамда ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, астойдил маълумлаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Бауман сайлов округи округ сайлов комиссиясининг мажлиси таътанали вазиликга ўтди. Бу мажлис комиссиянинг раиси, техник фаюлари доктори А. Т. Туманов очди. Пойтахтдаги Бауман ва Сокольников районларининг бир қанча коллективлари уюштирган ва кўп киши қатнашган йиғилишларда, деди у, меҳнатчилар гоят баянд рўх билан ўрток Л. И. Брежневни поймахтадаги Бауман сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб қўрсатган эдилар. Округ сайлов олдига кенгашининг қатнашчилари Москвадан Бауман ва Сокольников районлари меҳнатчилари номидан ўрток Л. И. Брежневга мурожаат қилиб, СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришини сўрадилар. Биз бугун ўрток Леонид Ильич Брежнев бизнинг сайлов округимиздан СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик берганлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик.

Мажлис қатнашчилари бу гапларни гулдурдо қарсаклар билан кутиб олдилар. Бауман номили Москва олий техник билим юрти партия комитетининг секретари, Бауман сайлов округи меҳнатчилари вакиллари округ сайловдаги кенгаши раиси Л. М. Терешченко сўз бердилар.

Л. И. Брежнев Аргентина экономика министри Х. Хельбардни қабул қилди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Аргентина ҳукумат делегациясининг бошлиғи, Аргентина Республикаси президенти Х. Пероннинг шахсий вакили, Аргентина экономика министри Х. Хельбардни 5 майда Кремлда қабул қилди.

Самийий, дўстона вазиликда ўтган суҳбат чоғида СССР билан Аргентина ўртасидаги муносабатларга, шу жумладан савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатларга доир кўнгина масалалар қараб чиқилди.

Х. Хельбард ўрток Л. И. Брежневга президент Х. Пероннинг шахсий мактубини таъширди ва Аргентина Республикасининг олий мукофоти — «Май революцияси ордени» катта крестини президент номидан таъширди. Бу мукофот билан атоқли давлат арбоблари халқлар ўртасида бирдамликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун тақдирланади.

Суҳбатда Аргентина томонидан — ташқи иқтисодий ва ташқи савдо алоқалари давлат секретари Л. Теттаманги, Ар-

Н. В. Подгорний Аргентина экономика министри Х. Хельбардни қабул қилди

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Аргентина Республикаси президенти Х. Пероннинг шахсий вакили, Аргентина экономика министри Х. Хельбард бошчилигидаги Аргентина ҳукумат делегацияси аъзоларини 6 май кўни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат вақтида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга тааллуқли бир қанча масалалар муҳокама қилинди. Шу муносабатларни турли соҳаларда янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Х. Хельбард ўрток Н. В. Подгорнийга президент Х. Пероннинг шахсий мактубини берди ва унинг таъширига биноан Аргентина Республикасининг олий мукофоти — «Май революцияси ордени» катта крестини таъширди. Атоқли давлат арбобларининг халқлар ўртасида бирдамликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси шу мукофот билан тақдирланади.

Самийий, дўстона вазиликда ўтган суҳбатда Аргентина томонидан — миллий конгресс депутатлар палатасининг раиси Р. Ластри, ташқи иқтисодий ва ташқи савдо алоқалари давлат секретари Л. Теттаманги, энергетика ва савдо вазири А. Сбарра, сенатор Я. Лудер, умумижамат қонфедерациясининг бош секретари А. Ромеро, умумий иқтисодий конфедерация раиси Х. Бронер ва Аргентина делегациясининг бошқа аъзолари, шунингдек Аргентина Республикасининг СССРдаги элчиси Т. А. Сосно қатнашдилар.

Совет томонидан суҳбатда ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари И. Ф. Семичастнов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родинонов ва бошқа расмий кишилар иштирок этидилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлисининг раиси В. Болнев бошчилигидаги БХР халқ мажлисининг делегацияси СССР Олий Советининг таклифига биноан 5 майда Москвага келди.

БХР ва СССР Давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэропортда делегацияни СССР Олий Совети Иттифок Советининг раиси А. П. Шитиков ва Миллатлар Советининг раиси Е. С. Насриддинова, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида БХРнинг СССРдаги элчиси Д. Жулев ҳам бор эди. (ТАСС).

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ ТИНМАЙ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Республика партия активийи

6 май кўни Тошкентда республика партия ташвиоти активийи йиғилиши бўлди. Йиғилишда область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ва область иқтисодиёт комитетлари раисларининг ўринбосарлари, меҳнатчилар депутатлари шаҳар ва район Советлари иқтисодиёт комитетларининг раислари, область партия комитетлари маъмурий, савдо-саноат ва ланга ораганлари бўлимларининг мудирилари, халқ контроли области комитетларининг раислари, касабо соювлари области комитетларининг раислари, область қомсомол комитетларининг секретарлари, ички ишлар, прокуратура, суд ва юстиция органларининг ходимлари, банди корхоналари, муассасалар ва ўқув юртиларининг раҳбарлари ва бошқаларининг партия ташвиотларининг секретарлари, республика мишистерлар ва идораларининг, Ўзбекистон касабо соювлари республика Советининг, Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг раҳбар ходимлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети аппаратининг маъмурий ходимлари иштирок этидилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов меҳнатчилар коллективларини ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга ва социалистик мулкни сақлашга сафарбар этиш соҳасида республика партия ташвиотларини олиб бораётган ташвиотчилик ва сийёсий ишларини кучайтириш тўғрисида доқдат қилди.

Доқдатли муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри Х. Я. Яҳёев, В. П. Чалов номили Тошкент авиация заводи партия комитетининг секретари Г. В. Зотов, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Овусний, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси Н. Маҳмудов, Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари В. П. Ёсин, Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Новайичи, Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Г. Габуринов, «Ўзбекбирлашув» раиси М. Х. Ҳасанов, Ўзбекистон ССР прокурори Н. Б. Бўрихўжаев, Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Хамидов, КПСС Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари В. И. Гладишев қатнашдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзоллигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белопольский, А. Д. Бесчастнов, П. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мухоменов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов иштирок этидилар.

Актив йиғилиши муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

А. А. ГРОМИКОННИНГ Г. КИССИНЖЕР БИЛАН БУЛАДИГАН УЧРАШУВИГА ДОИР

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан АҚШ Давлат секретари Г. Киссинжер Совет—Америка муносабатлари масалаларини, шунингдек Яқин Шарқдаги аҳволни кўриб чиқишни давом эттириш учун 7 май кўни Гипрда учрашиш тўғрисида келишиб олдилар. (ТАСС).

Давомий иккинчи бетда.

